

Сурайё Бултаковна УСМАНОВА

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Халқаро муносабатлар кафедраси ўқитувчиси
юримдик фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD
s.b.usmanova@uwed.uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ПЕРСПЕКТИВЫ ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ

PROSPECTS OF ORGANIZATIONAL AND LEGAL REGULATION OF TOURISM IN UZBEKISTAN

Аннотация: Ушбу мақолада зиёрат туризми бўйича Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар таҳлил қилиниб, уни ривожлантириш учун мавжуд ҳуқуқий базани такомиллаштирган ҳолда халқаро стандартлар талабларига жавоб бера оладиган ҳуқуқий ҳамда ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилишининг истиқболлари юзасидан таклиф ва тавсиялар тақдим этилади.

Калит сўзлар: Ислон, туризм, турист, зиёрат, ҳалол туризм, ҳамкорлик, ҳуқуқий асос.

Аннотация: В данной статье анализируются проводимые реформы в сфере паломнического туризма в Узбекистане и предлагаются предложения и рекомендации по перспективам реализации правовых и организационных мер, которые могут соответствовать требованиям международных стандартов за счет совершенствования существующей правовой базы для его развития.

Ключевые слова: ислам, туризм, турист, паломничество, честный туризм, сотрудничество, правовая база.

Annotation: This article analyzes the ongoing reforms in the field of pilgrim tourism in Uzbekistan and proposes proposals and recommendations on the prospects for the implementation of legal and organizational measures that can meet the requirements of international standards by improving the existing legal framework for its development.

Keywords: Islam, tourism, tourist, pilgrimage, honest tourism, cooperation, legal framework.

Туризм халқаро миқёсдаги валюта тушумининг барқарор манбаи бўлиб, давлатлар иқтисодиётида муҳим ўрин тутиши билан бир қаторда халқаро алоқаларнинг кенгайишига ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу сектор, шунингдек, давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва сиёсий ривожланишига кўмак берадиган халқаро алоқаларнинг кўп томонлама тармоғи бўлиб хизмат қилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO) томонидан 2017 йилни «Туризмни барқарор ривожлантириш йили» деб эълон қилиниши ҳамда мазкур ташкилот доирасида илк бора «Туризм этикаси бўйича доиравий конвенцияси»ни ишлаб чиқилиши мазкур соҳанинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштирилишига хизмат қилди. Ушбу секторнинг халқаро ҳамжамиятдаги ролини кенг миқёсида тарғиб қилиш, шунингдек, туризм соҳасидаги халқаро муносабатларнинг ҳуқуқий моҳиятини янада такомиллаштириш аҳамиятлидир. Сайёҳлар сонининг йил сайин ўсиб бориши, ҳукуматларнинг ялпи ички маҳсулотдаги туризм саноатининг ролининг юқори даражаси туризмнинг муҳим йўналишларидан бўлган зиёрат туризмнинг истиқболли ривожланишида ҳам акс этмоқда. Зиёрат туризми нафақат Ислон давлатлари, балки глобал миқёсида ва, албатта, Ўзбекистон туризм соҳасининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ислон туризм саноати ўтган йиллар давомида жадал ўсишга гувоҳ бўлди ва жаҳон миқёсида энг тез ўсиб бораётган сегментларидан бирига айланди. Хусусан, 2017 йилда мусулмон сайёҳлар сони 131 миллион кишини ташкил қилди ва ислон (зиёрат) туризмидан олинган даромад 142 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бу зиёрат туризмнинг глобал

туризм саноатининг энг тез ривожланаётган йўналишларидан бири эканлигини кўрсатади. 2020 йилга келиб дунёдаги мусулмон сайёҳлар сони 160 миллион кишига етиши кутилган эди [1], бироқ COVID-19 тарқалиши мазкур соҳанинг ривожига сезиларли таъсир ўтказди.

Мамлакатимизда 2017 йилдан бошлаб туризм миллий иқтисодиётнинг стратегик секторига айланди, ушбу соҳа Ўзбекистон Республикасининг халқаро обрўсининг ўсишига ёрдам беради. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ислохотларнинг янги даври бошида муҳим қадам бўлиб хизмат қилди [2]. Бундан ташқари, ҳалол туризми соҳасида давлатлар рейтинги бўйича Халқаро Рейтингда, Ўзбекистон 2017 йилда 29-ўринни эгаллади [3]. Ушбу мақоладаги тадқиқотимизнинг мақсади зиёрат туризми бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни таҳлил қилиб, Ўзбекистонда зиёрат туризмини янада ривожлантиришнинг ҳуқуқий ҳамда институционал механизмининг истиқболлари юзасидан таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Зиёрат туризми - Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг истиқболли йўналиши сифатида.

Ўзбекистон ислом маданияти ва тарихий ёдгорликларининг ноёб меросига эга бўлган ва ислом мамлакатларидан сайёҳлар оқими ва дунёнинг бошқа қисмларидан келган мусулмонлар учун катта қизиқиш ва салоҳиятга эга бўлган мамлакатлардан биридир. Мамлакат мусулмон оламида таниқли Бухоро ва Самарқанд каби муҳим шаҳарларга мезбонлик қилади. Имом ал-Бухорий, Имом Ат-Термизий, Имом Ал-Мотурудий, Баҳоуддин Нақшбандий, Аз-Замаҳшарий каби буюк сиймоларнинг номлари нафақат мусулмон мамлакатлари, балки бутун дунё тарихида яхши маълум. Покистон, Ўрта Осиё, Туркия, Албания, Босния ва Герцеговина, Греция ва Болгарияда ҳанафий мазҳаби устунлигини ҳисобга олсак [4], бу ҳали ҳам кўплаб мамлакатлардан Ўзбекистонга зиёратчиларни жалб қилиш учун яхши имкониятдир. Шунингдек, Ислом дунёдаги энг тез ривожланаётган дин бўлиб,

2030 йилга келиб мусулмонлар сони 2,2 миллиардни ташкил қилиши кутилмоқда [5:11]. Мусулмонлар сони тобора кўпайиб бораётганлиги сабабли, зиёратчиларнинг кашф қилинмаган манзилларга ташрифлари эҳтиёжи ортмоқда.

Бироқ, зиёрат туризмнинг йўналиши сифатида Ўзбекистоннинг туризм бренди ҳали етарли даражада ривожланиб танилган эмас. Буни 2017 йилнинг бир неча оyi давомида чет эллик мутахассислар томонидан ўтказилган сўровномани таҳлил қилиш орқали кузатиш мумкин. Натижалар шунини кўрсатадики, ўша даврдаги Ўзбекистонга ташриф буюрувчиларнинг атиги 2,2% (100% дан) зиёрат мақсадида келишган [6:30]. Бу эса Ўзбекистондаги сайёҳлик ресурсларининг аксарияти тарихий ва маданий масалаларга йўналтирилганлигини, турли хил сайёҳлик ресурслари ва бунинг учун институционал ҳамда ҳуқуқий шарт-шароитларни ишлаб чиқиш орқали зиёрат туризмга оид мавжуд имкониятлардан фойдаланиш зарурлигини тасдиқлайди.

Хусусан, Баҳоуддин Нақшбандий тасаввуф султони сифатида тан олинган [7:9-10]. Бу сайёҳларни сўфий зиёратига ва диний-когнитив йўналишга жалб қилиш учун муҳим йўналиш бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ушбу зиёратга келган сайёҳлар Ўзбекистоннинг бошқа тарихий, маданий ва диний даргоҳларига боориш имкониятига эга бўлишлари мумкин. Масалан, Самарқандда Ал-Бухорий мақбараси, Дониёр мақбараси ва Рухобод масжиди, Шоҳи Зинда мажмуаси каби ноёб сайёҳлик жойлари шулар жумласидандир. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг туризм ва менежмент соҳасидаги тадқиқотчилари аллақачон зиёратчилар учун Тошкентдан Бухорога 30 дан ортиқ йўналишларда махсус 7 кунлик саёҳатни таклиф этишган [8:10].

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистонда туризмни кўп қиррали ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилаётган ислохотлар ва ўзгаришлар шунини кўрсатадики, 2016 йил декабридан бошлаб туризм соҳасида ишлаб чиқилган 50 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши, шунингдек бу борадаги сўнгги муҳим дастурий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан «2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириш концепцияси» ни ишлаб чиқилганлиги соҳанинг истиқболли ривожини учун хизмат қилмоқда.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти - Ўзбекистондаги зиёрат туризми учун имкониятлар.

Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти (ИХТ)га аъзо давлатларга сайёҳлик мақсадида ташриф буюрувчилар сони йил сайин ошиб бормоқда. Маълумки, ҳанафий мазҳаби ва тасаввуфнинг кўплаб манзилгоҳлари Ўзбекистонда жойлашган. Дунё бўйлаб мусулмонлар сонининг ортиб бораётганлигини ҳисобга олсак, бу зиёрат туризмни ривожлантириш учун фойдаланиш учун яхши имкониятдир.

ИХТга аъзо давлатлар ўртасида Ислом туризмни ривожлантириш бўйича Стратегик йўл харитасини тайёрлади. Йўл харитаси исломий туризм стандартлари ва сифатни назорат қилиш лойиҳаси орқали аъзо давлатларда туризм келажагининг асосий мавзуларини белгилашдан ташқари, зарур ресурсларни такомиллаштириш ва аниқлаш мақсадида аъзо давлатлар ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш учун услубий базани тақдим этади. Исломий туризм соҳасидаги ҳамкорлик бешта йўналишни ўз ичига олган: маълумотлар ва мониторинг, сиёсат ва тартибга солиш, маркетинг ва тарғиб қилиш, йўналиш ва саноатни ривожлантириш, ислом давлатлариаро ҳамкорликни ривожлантириш учун салоҳиятни такомиллаштириш, шунингдек ИХТга аъзо давлатларда туризмнинг экотизимини яхшилаш [9]. Ушбу ҳужжат ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида туризмни ривожлантириш тўғрисидаги Қарорнинг давоми ҳисобланади, ундан ИХТга аъзо давлат сифатида Ўзбекистонда зиёрат туризмни ривожлантириш амалиёти ва назариясида ҳам фойдаланиш мумкин.

1995 йил октябр ойида Ўзбекистон Республикаси Ислом Ҳамкорлик Ташкилотига (ИХТ) кузатувчи сифатида қабул қилинди. Сўнгра, 1996 йил 2 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Ташкилотнинг тўлақонли аъзоси бўлди. Шу билан биргаликда Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар билан икки томонлама шерикликни давом эттирмоқда. Хусусан, Ўзбекистон ва Бир-

лашган Араб Амирликлари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия мавжуд. Ўзбекистонликлар Саудия Арабистонига нафақат ҳаж зиёрати учун, балки бошқа туристик мақсадларда ҳам саёҳат қилишмоқда. Сўнгги йилларда зиёрат туризмни тарғиб қилиш Ўзбекистон ва бошқа мусулмон давлатлари ўртасида имзоланган икки томонлама шартномаларда акс эттирилган. Масалан, Ўзбекистонда зиёрат туризми учун махсус саёҳатларни ташкил этиш тўғрисида Покистон, Малайзия, Индонезия ва Туркия билан шартномалар тузилган. Аммо шунга қарамай, бугунги кунга келиб, Ўзбекистонга ташриф буюрадиган сайёҳларнинг аксарияти Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидан (МДХ) ташриф буюрувчилардир [10].

Ушбу соҳадаги амалга оширилаётган ислохотлар жумласига:

- Индонезия, Малайзия, Туркия ва Бирлашган Араб Амирликларини ўз ичига олган 64 мамлакат фуқаролари учун 30 кунлик муддатга Ўзбекистонда визасиз режимни жорий этилганлиги;

- зиёратга бориш ва Ўзбекистоннинг маданий, тарихий, диний ва маънавий меросини, урф-одатларини ўрганиш учун келган чет эл фуқароларига 2 ойгача бўлган муддатга бериладиган визанинг жорий этилганлиги;

- 2018 йил феврал ойидан бошлаб Ўзбекистондаги умумий овқатланиш ва ресторанларда ҳалол стандартларини амалиётга жорий этилганлигини киритиш мумкин [11].

Аммо Ўзбекистоннинг сайёҳлик ва айниқса, зиёрат туризми бўйича салоҳияти ҳамда ИХТга аъзо 57 давлатни ҳисобга олган ҳолда, икки томонлама шартномалар сони ва уларни амалга оширилиш механизми етарли даражада эмас. Маълумки, ислом дунёси улкан иқтисодий ва инвестиция салоҳиятига, шунингдек барқарор ижтимоий-иқтисодий ва туризм ривожланишининг юқори суръатларини саклаб қолиш учун энергия манбаларига эга. Шу муносабат билан ИХТ доирасидаги давлатлар ўртасида ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада ўзаро манфаатли савдо-инвестиция алоқаларини кенгайтириш зарурлиги алоҳида аҳамиятга эга. ИХТ энг йирик мусулмон ташкилоти сифатида аъзо давлатларнинг интеллектуал, илмий-техник

ва исломий салоҳиятини янада ривожлантириш масалаларига эътибор қаратади.

Шу боис Ўзбекистонда ИХТ ва ИТБ (Ислом тараққиёт банки) сармоялари асосида «Мусулмонлар учун дўстона туризм» ва «Зиёрат туризми» лойиҳаларини амалга ошириш истикболли мусулмон мамлакатларидан Ўзбекистонга сайёҳликнинг ўсишига таъсир этади деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, зиёрат туризми бўйича ўз салоҳиятига эга бўлган Ўзбекистонда мусулмонларга йўналтирилган туризм ёки «ҳалол туризм» ни амалга ошириш учун зарур меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш лозимдир.

Малайзиянинг ҳалол туризм соҳасидаги тажрибасини Ўзбекистонга тадбиқ этиш масалалари

Ҳалол туризм тушунча сифатида Ислом Ҳамкорлик Ташкилотининг расмий ҳужжатларида ҳамда туризм назария ва амалиётида турли хил номлар билан келтирилиб ўтилган. Ҳалол туризм, шариат туризми ва мусулмонларга хос туризм энг кенг тарқалган атамалар бўлиб, улар муқобил равишда қўлланилади. Бирок, ушбу терминологияларнинг ҳеч бирида умум эътироф этилган таъриф мавжуд эмас [12: 2].

Ҳалол туризм – бугунги кунда Ўзбекистон учун ҳам амалиётда қўлланилаётганлигини таъкидлаш жоиз. Ҳалол тушунчаси мусулмон оламида ислом қонун-қоидалари ва анъаналарига мувофиқ озиқ-овқат ҳамда барча кундалик ишларга тааллуқлидир. 2017-2018 йилларга қадар мамлакатда хорижий тажрибаларга таянган замонавий ҳалол туристик таъминот занжирини ташкил этишга алоҳида эътибор берилмас эди. Ўзбекистонда Ҳалол туризмни амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ўзгаришлар ва ислохотлар амалиётда ҳам акс этмокда. Хусусан, Ҳалол сертификатлашни амалга ошириш [13], ҳалол туризм бўйича тренинглар ташкил қилиш, ҳалол туризм учун мўлжалланган меҳмонхоналарни куриш лойиҳаси [14] ушбу рўйхатдаги дастлабки қадамлар бўлди.

Зиёрат туризмни такомиллаштириш тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикасида ҳалол туризм шароитлари инфратузилмасини ташкил этиш билан боғлиқ. Идеал ҳолда, зиёратга бориш истаги бўлган сайёҳлар борадиган мамлакатда мусулмонларга яратилган

шарт-шароитларга эътибор қаратишади. Ислом туризмнинг асосий таркибий қисмлари қуйидагилар ҳисобланади:

– Мусулмонлар учун мўлжалланган меҳмонхоналар, бу шуни англатадики, исломий меҳмонхонанинг асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат: алкоғолсиз ичимликлар, қимор ўйинлари ва бошқаларнинг таъқиқланганлиги; фақат ҳалол таом; Ҳар бир хонада Макка йўналишини кўрсатувчи Қуръон, намоз матлари ва тасбеҳлар; Макка йўналишига дуч келмаслик учун ётар жойлар ва ҳожатхоналар; намозхоналар; ходимларнинг кийими; Эркаклар ва аёллар учун алоҳида дам олиш масканлари.

– Махсус транспорт (авиакомпаниялар); Унинг асосий кўрсаткичларига қуйидагилар қиради: тозалик; алкоғолсиз ичимликлар;

– Махсус озиқ-овқат хоналари: ресторанда хизмат кўрсатадиган таомлар ҳалол бўлиши керак. Барча ҳайвонлар Ислом асослари бўйича сўйилиши керак. Бинода спиртли ичимликлар берилмаслиги керак;

– Мусулмонлар учун мўлжалланган туристик тўпламлар (тур пакетлар): туристик тўпламларнинг мазмуни исломий мавзуга асосланган бўлиши керак. Исломий сайёҳлик тўпламлари орасида Рамазон ойида масжидларни, Ислом ёдгорликларини зиёрат қилиш ва тадбирни тарғиб қилиш ҳам киритилади.

– Махсус молия: меҳмонхона, ресторан, сайёҳлик агентлиги ва авиакомпанияларнинг молиявий манбалари ислом тамойилларига мувофиқ бўлиши керак [15:89].

Таъкидлаш жоизки, ислом дини вакиллариининг туризм фаолияти учун мўлжалланган шарт-шароитларининг яратилиши нафақат зиёрат туризмнинг ривожини учун зарур, балки туризмнинг бошқа йўналишларини (экотуризм, спорт туризми, ёшлар туризми) амалга ошириш мақсадида ташриф буюрувчи мусулмон сайёҳлари учун ҳам аҳамиятлидир.

Ўзбекистонда 2017 йилга қадар бу масалаларга етарлича эътибор қаратилмаган. Албатта, мусулмон сайёҳлар учун масжидлар, баъзи меҳмонхоналар ва станциялардаги намозхоналар каби асосий воситалар мавжуд эди. Мамлакатда зиёрат туризми бўйича олиб борилаётган ислохотлар давомида уни янада

ривожлантириш учун бир қатор масаларнинг ечимини топиш кутилмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда Ҳалол туризмни ривожлантириш учун нима қилиш керак? Ва уни қандай ташкил қилиш лозим? Булар зиёратчилар учун зарур инфратузилмани ташкил қилиш билан боғлиқдир. Чет эл амалиётини ўрганиш ва тадбиқ этиш ушбу тўсиқларни енгиб ўтиш имкониятларидан бири бўлиши мумкин. Ўзбекистондаги мусулмонларга дўстона туризм халқаро стандартларга мувофиқ қурилиши ва бу соҳада янги малакали кадрлар тайёрланиши тавсия этилади.

Сўнгги йилларда Малайзияни ҳалол туризм маркази деб тан олинаётганлиги Ўзбекистонда зиёрат туризмни ривожлантириш учун халқаро стандартларга мос «ҳалол» шароитларни амалга ошириш амалиётини ҳуқуқий тартибга солиш ва мусулмон сайёҳлар учун ушбу инфратузилмани ташкил этиш нуқтаи назаридан мазкур давлатнинг тажрибасига эътибор қаратиш лозим. Хусусан, “Асосий озиқ-овқатларга оид қонуни” (1983 й.) ва “Озиқ-овқат гигиенаси тўғрисида” ги Низом (2009 й.) бўлиб, у озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашда бевосита алоқада бўлган, озиқ-овқат биноларида қадоқланган ёки қадоқланмаган озиқ-овқат маҳсулотларини “Ҳалол” қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқаришни тартибга солишга қаратилади [16: 5].

Кейинчалик, 2011 йилда ушбу соҳада Ҳалол сертификати ва Ҳалол логотипи бўйича фирибгарликни енгишга қаратилган “Савдо таърифи тўғрисида” ги қонун қабул қилинди [17: 5]. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ҳалол сертификати махсус туризм маҳсулотларига эга мамлакатлар учун жуда аҳамиятлидир. Чунки деярли ҳар бир мусулмон чет элга ташриф буюрганида Ҳалол маҳсулотлар ҳамда шарт-шароитларга эътибор қаратади.

Малайзияда ҳалол туристик шароитларнинг ҳуқуқий асослари қуйидаги бошқа бир қатор ҳужжатларга асосланади:

– Малайзия 1500:2009 стандарти, унда шахсий гигиена, кийим-кечак, мосламалар, идишлар, машиналар ва қайта ишлаш воситаларининг турли хил жиҳатлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, ишлаб чиқариш ва сақлаш жойларига оид талаблар мавжуд (3.4-банд) [18];

– Ҳалол Хизмат Тизими 2012. Логистика транспорти бизнесининг жараёнлари ёки усулларида Ҳалол назорати ва ишончлилик фаолияти билан кўпроқ эҳтиёткорлик зарур [19:217-243].

Бундан ташқари, Ҳалол кафолати тизимининг яхши таъминланганлигига ишонч ҳосил қилиш учун доимий таълим жуда муҳимдир. Малайзия ҳалол туристик таъминот занжирини ташкил этиш бўйича 35 йилдан ортиқ тажрибага эга бўлган бўлиб, ҳукумат саёҳатнинг бошидан охиригача ўз меҳмонлари учун ҳалол туризмни тартибга солиш учун зарур ҳар бир элементни камраб олади. Юқорида таъкидланганлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда зиёрат туризмни мукамал тарзда ташкил этиш жараёни мураккаб ва институционал-ҳуқуқий тизимга асосланган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Индонезия, Малайзия, Сингапур ва Тайланд сингари ҳалол туризм саноатларининг ўсиши ҳукумат сармояси билан таъминланади. Ўзбекистонга келсак, ҳукумат аста-секин мусулмон сайёҳларни жалб қилиш мақсадида талаб қилинган шарт-шароитларни амалга ошириш учун кўпроқ инвестициялар жалб қилиши лозим. Хусусан фикримизча, Ҳалол туризми атамасига нисбатан «Мусулмонларга йўналтирилган туризм» атамаси Ўзбекистон амалиёти учун қўлланилиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, мусулмонларга йўналтирилган туризм озиқ-овқат ва бошқа керакли инфратузилма учун қўлланиладиган кенгрок атамасидир.

Маҳсулот ва хизматларнинг ихтиёрий сертификатлаш тизимини ишлаб чиқиш (жумладан, «Ҳалол», «Кошер» ва «Веган») жорий этиш бўйича Ҳаракатлар режаси лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилган эди [20]. Ушбу масаланинг ечими нафақат Ўзбекистон Республикасининг Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига боғлиқ, бундан ташқари бошқа ҳукумат ва нодавлат тузилмалар ҳам иштирок этиши мақсадга мувофиқдир. Хусусан, Адлия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Дин ишлари бўйича қўмита, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва бошқа мазкур соҳага алоқадор Ўзбекистоннинг қўплаб расмий давлат ва нодавлат идоралари ҳамкорлик қилиши самарали ҳисобланади.

Ушбу тизимли жараён Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан, хусусан туризмни ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан ташкиллаштирилишини талаб қилади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 09.12.2020 йилда қабул қилинган 6165-сонли Фармони [21] муҳим ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилади. Келгусида хорижий тажрибалар асосида зиёрат туризмнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, бу борада умумий «Йўл харита» ларини ишлаб чиқиш таклиф этилади.

Хулоса

Ҳар қандай давлатнинг энг муҳим мақсадларидан бири бу мамлакатдаги иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликнинг зарурий шarti бўлган меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашга эришишдир. Туризм бу борада дунёнинг кўплаб мамлакатларида иқтисодий ўсишга хизмат қилаётган соҳалардан биридир. Ўзбекистондаги туристик инфратузилманинг ривожланиши мамлакатда аҳолининг муайян қисмини иш билан таъминланишига хизмат қилади. Меҳмонхона ва ресторан, ҳунармандчилик, кичик бизнес эгалари ва бошқалар кўплаб хизмат кўрсатиш соҳаларида иш билан таъминланадиган аҳоли шулар жумласидандир. Дикқатга сазовор томони шундаки, ушбу соҳанинг баъзи бир фаолияти турлари мураккаб ёки махсус юқори маҳорат талаб этмайди.

Зиёрат туризмни ривожлантириш нуқтаи назаридан сайёҳлар учун мусулмонларга йўналтирилган шароитларни ташкил қилиш зарур инфратузилмани талаб қилади. Ўзбекистондаги мусулмонлар учун дўстона туризм (Ҳалол туризм) халқаро стандартлар асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Бунда мазкур соҳада муайян мутахассислар иш билан таъминланади. Бинобарин, ишсизлик масаласи мамлакат даражасида камаяди.

Шунингдек, маълумки туризм халқаро алоқалар билан узвий боғлиқдир ва бу алоқалар, бир томондан, халқаро ташкилотлар билан, иккинчи томондан, кўп ва икки томонлама давлатлараро ҳамкорликни ўз ичига олади. Халқаро ва минтақавий сайёҳлик ташкилотларида иштирок этиш, шерик мамлакатлар билан яқин ҳамкорлик қилиш орқали Ўзбекистон

зиёрат туризмни ривожлантиришга хизмат қилади ҳамда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини жорий этиш Республикада ушбу соҳани жадал ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Юқорида таъкидланган фактлар, фикр ва мулоҳазалар асосида қуйидаги хулоса ва таклифлар тавсия этилади:

1. Ислom Ҳамкорлик Ташкилоти билан Ўзбекистондаги зиёрат туризмни ривожлантириш мақсадида:

- ИХТ (Ислom Ҳамкорлик Ташкилоти) ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида зиёрат туризмни Ўзбекистонда ривожлантириш бўйича ўзарo англашув меморандумини имзолаш;

- Меморандумни идораларарo қўмита шаклида амалга оширишнинг кўплаб давлат вазирликлари ва идоралари вакиллари иштирокида институционал механизмини яратиш.

2. Ўзбекистонда зиёрат туризмнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, жумладан Ўзбекистон Республикасида зиёрат туризмни ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда халқаро миқёсдаги стандартларни ҳамда мусулмонларга йўналтирилган туризмни ривожлантириш учун махсус шарт-шароитларни жорий этиш бўйича ҳуқуқий асосларни таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, Ўзбекистонда Ҳалол туризм қоидалари ва Халқаро стандартларга мувофиқ мусулмонларга дўстона туризм соҳасини такомиллаштириш учун институционал-ҳуқуқий ва инвестиция асосларини яратиш лозим. Жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мусулмонларга йўналтирилган туризмни, шу жумладан Ҳалол сертификатлаш стандартларини, малакали кадрларни тайёрлашни ва талаб қилинадиган инфратузилмани яратиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги тегишли норматив ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Дин ишлари бўйича қўмитаси ҳузуридаги мусулмонларга йўналтирилган туризм ички ишчи гуруҳи фаолиятини ташкил этиш;

- Истиқболли мусулмон давлатларида Ўзбекистон Республикаси элчихоналари

хузурида зиёрат туризмине тарғиб қилиш марказларини ташкил этиш.

Зиёрат туризми соҳасида кўплаб йўналишлар ва ўзгаришлар амалга оширилиши кутилмоқда. Ушбу ўзгаришлар вақт талабидир. Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ушбу барча ташаббуслар, ислохотлар ва таклифлар туризмни ривожлантиришга, натижада республиканинг иқтисодий ўсишига хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. См.: “В столице прошла пресс-конференция, посвященная Зиёрат туризму”. <https://uzbektourism.uz/ru/newnews/view?id=216>
2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.01.2019 й., 06/18/5611/2430-сон, 15.08.2019 й., 06/19/5781/3567-сон, 20.09.2019 й., 06/19/5833/3774-сон. Қаранг: <http://lex.uz/docs/4143188>
3. See: “Halal Tourism in Uzbekistan? Sure!”. Source: «Uzbekistan Today» newspaper. Available at: http://www.uzbekistan.nsk.ru/index.php?option=com_content&view=article&id=10291:halal-tourism-in-uzbekistan-sure&catid=40:tourism&Itemid=91 (Last seen: 01/05/2019)
4. См.: “Какова география распространения мазхабов во всем мире? Доступен: <https://islam-today.ru/veroucenie/vopros-otvet/kakova-geografia-rasprostraneniya-mazhabov-vo-vsem-mire/>
5. Akbulut, Onur and Ekin, Yakin. «Reflections of Hajj and Umrah Pilgrimage on Religious Stores in Mugla-Turkey,» International Journal of Religious Tourism and Pilgrimage: Vol. 6: Iss. 3, Article 4. 2018. P.11. Available at: <https://arrow.dit.ie/ijrtp/vol6/iss3/4>
6. International Visitor Trend Survey Report, Centre of Business and Tourism Development (CBTD). Khiva. Uzbekistan. 2018. P.30 Available at: <http://www.visitkhiva.net/wpcontent/uploads/2018/03/surveyreport20180303-web.pdf>
7. Navruz-Zoda, Bakhtiyor, and Navruz-Zoda, Zebiniso «The Destination Marketing Development of Religious Tourism in Uzbekistan». International Journal of Religious Tourism and Pilgrimage: Vol. 4: Iss. 7, Article 3. 2016. P.9-10.doi:10.21427/D7G01X. Available at: <https://arrow.dit.ie/ijrtp/vol4/iss7/3>
8. Usha manbaa.
9. See: 10th Islamic Tourism Ministers Conference to be held in Dhaka, Bangladesh on February 5-7. OIC prepares a roadmap to promote Islamic tourism. Available at: <https://tribune.com.pk/story/1609017/1-oic-prepares-roadmap-promote-islamic-tourism/>
10. См.: “Количество иностранных туристов за март 2018 г. и март 2019 г.”. Доступен: <https://uzbektourism.uz/ru/research> (28/04/2019)
11. См.: “В столице прошла пресс-конференция, посвященная Зиёрат туризму”. Доступен: <https://uzbektourism.uz/ru/newnews/view?id=216> (27/04/2019)
12. International Tourism in the OIC Countries: Prospects and Challenges. 2015. The Statistical, Economic and Social Research and Training Centre for Islamic Countries (SESRTC). P.2. Available at: <https://www.oic-oci.org/docdown/?docID=1771&refID=1071>
13. See: “Halal certification in Uzbekistan for unhindered access to the Malaysian market”. Available: <https://www.uzdaily.uz/en/post/45359> (Last seen: 01/05/2019)
14. См.: “В Узбекистане решили сделать халяль-отель”. Доступен: <https://repost.uz/halyal-hotel> (Дата: 02/05/2019)
15. Akyol M. and Kilinc O. “Internet and Halal tourism marketing”., Electronic Turkish Studies. Volume 8/9. 2014. P.89
16. Nor A.D., Fadilah Abd Rahman, Azlina M. An Overview of the Halal Regulatory Framework for Halal Certification of Hotel in Malaysia. journal of Applied Environmental and Biological Sciences. P.5.
17. Usha manbaa.
18. See: Department of Standards Malaysia, 2009. Malaysian Standard MS 1500:2009-Halal Food Production, Preparation, Handling and Storage-General Guidelines (Second Revision). Retrieved from: <https://law.resource.org/pub/my/ibr/ms.1500.2009.pdf>.
19. Tieman, M., J.G. van der Vorst, and M.C. Ghazali, 2012. Principles in Halal Supply Chain Management. Journal of Islamic Marketing, 3 (3): 217-243.
20. См.: «Постановление Президента Республики Узбекистан О мерах по обеспечению ускоренного развития внутреннего туризма» от 07.02.2018 г. https://nrm.uz/content?doc=533371_postanovlenie_prezidenta_respubliki_uzbekistan_ot_07_02_2018_g_n_pp3514_o_merah_po_obespecheniyu_uskorennoy_razvitiya_vnutrennego_turizma (Дата: 02/05/2020)
21. Қаранг: «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмине янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, ПФ-6165. 09.02.2021. <https://www.lex.uz/ru/docs/5283956>.